



08.10.2018



БУГУН жамиятда салбий оқибатларни камайтириш, жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида жойларда сайёр судлар ташкил этилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 19 июнь куни жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди биносида очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда Янгийўл туманида туғилган Ж.К. жиноий қилмишлари учун қонун олдида жавоб берди. Аслида унга бу каби судда кўрилатган жиноий хатти-ҳаракатлар биринчи марта эмас. Чунки у илгари ҳам бир неча бор жиноятга қўл уриб, қилмишлари учун жиноий жазога маҳкум этилган эди. “Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас”, деганларидек, уни яна жиноят қилиш “хумори” тутиб қолди. Ж.К.нинг бундай жиноятга қўл уриш иштиёқига эса Янгийўл туманидаги “Бўз-сув” МФЙ ҳудудида жойлашган дала ер майдонида оқиб ўтувчи ариқ бўйида ёввойи ҳолда ўсган ўсимликка кўзи тушгани сабаб бўлди. Негаки, бу ўсимлик таркибида гиёҳванд моддаси борлигини пайқагани, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш мумкинлигини англаб, унинг ақли шошди. У тезда гиёҳвандлик ўсимлигини териб олиб, марихуана гиёҳвандлик моддасини устакорлик билан тайёрлади. Сўнгра ушбу маҳсулотга харидор чиққунча қулай пайт пойлаб, бегона кўзлардан беркитиб қўйди.

Халқимизда “Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади”, деган гап бор. Афсуски, Ж.К.нинг бу қинғир иши қирқ йилга етиб бормади. У қуруқ ҳолда соф вазни 112,35 грамм ва қовурилган вазни 43,46 грамм бўлган кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик моддасини 600.000 минг сўмга сотаётган вақтда тезкор гуруҳ иштирокчилари томонидан қўлга олинди.

Сайёр суд мажлисида судланувчи Ж.К. айбига иқроор бўлиб, тахминан 5 йилдан бери гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишини тан олди.

Бундан ташқари, Ж.К. нафақат гиёҳвандлик воситаларини сотиш, балки истеъмол қилиш, ўғирлик жинояти билан ҳам шуғулланиб келган экан.

У 2018 йил 11 январь куни соат тахминан 06:30 ларда Янгийўл туман Нуробод маҳалласи, Боғиобод кўчасида жойлашган уйга ўғирликка тушган. Нафс йўлида эс-хушини йўқотган Ж.К. С.Ҳ.га тегишли ҳовлининг деворидан ошиб ўтиб, уйдан “Samsung” русумли телевизор, 800.000 минг сўмлик электр тўлқинли печ, 5.000.000 сўмлик “мадонна” чинни идиш-товоқлари, 800.000 минг сўмлик фотоаппарат ҳамда 1.700.000 минг сўмлик кийим-кечакларни қўлга киритиб,

воқеа жойидан яширинган.

Бироқ қонуннинг ўткир кўзи ҳар қандай сирли жиноятни ҳам илғай олади. Ж.К. суднинг қора курсисига яна ўтирар экан, ўз жинойий қилмишларига яраша тегишли жазо олиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Лекин унинг бу жазодан қанчалик пушаймонлигини ёки бундан буён тегишли хулоса чиқаришини фақат вақт кўрсатади.

**Жамшид САДИНОВ,**

**жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди судьяси**

688 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

### **Сўнгги янгиликлар:**

- [Аёлда ор ва ғурурнинг йўқлиги миллат фожиасидир \(2019 йил, 38 сон\)](#) [3]
- [Обод қишлоқ, обод маҳалла ва равон йўллар \(2019 йил, 38 сон\)](#) [4]
- [Файриқонуний буйруқ бекор қилинди \(2019 йил, 38 сон\)](#) [5]
- [Ўн бешинчи фирибгарлик \(2019 йил, 38 сон\)](#) [6]
- [Орзуларни оловга отма! \(2019 йил, 38 сон\)](#) [7]
- [Одам савдоси жабрдийдасига айланманг! \(2019 йил, 37 сон\)](#) [8]
- [Атом энергияси тўғрисидаги Қонун: 10 та афсона ва ҳақиқат](#) [9]
- [“Биз коррупцияга қаршимиз” мегатанлови. Кураш қалб ва онгда шаклланиши керак \(2019 йил, 37 сон\)](#) [10]
- [Пармонович пенсияга чиқмоқчи “Пармонов” эса халал бермоқда \(2019 йил, 36 сон\)](#) [11]
- [Судьялар олий мактаби. Мамлакатимиз суд тизимида яна бир тарихий воқеа \(2019 йил, 36 сон\)](#) [12]

---

**Source URL:** <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4208>

#### **Ссылки**

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4208>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4208>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/5039>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/5038>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/5037>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/5035>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/5034>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/5032>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/5030>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/5029>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/5026>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/5024>